ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

ТОШКЕНТ. ЎзХДП Оҳангарон шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, "Экосан" жамғармаси бўлими ҳамда "Оҳангарон ишчиси" газета таҳририяти ҳамкорликда "Экология ва саломатлик" танловини эълон қилдилар. Голибга 3 минг, иккинчи ва учинчи ўринларни олганларга икки ҳамда минг сўмдан мукофот белгиланган.

Бундан ташқари 4 та рағбатлантирувчи мукофот ва эсдалик совғалари ҳам бор.

Соҳибжон САЛИМОВ.

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА

ХОРАЗМ. Республика "Соғлом авлод учун"жамғармасининг вилоят бўлими қошида кўчма ташхис маркази очилди. Бу ерга болалар ички ва аёллар ички касалликларини аниқловчи тажрибали шифокорлар жалб этилди. Айни пайтда улар Қизилжар, Тупроққалъа каби олис қишлоқ ва яйловларда бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқдалар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

СЕРОБЧИЛИККА НИМА ЕТСИН

НАМАНГАН. Вилоят бозорларида картошка кўпайиб, нархи арзонлашмоқда. Биргина Чортоқ туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг 24-бригадасида гектаридан қарийб 25 тоннага яқин ҳосил кўтарилди. Айни пайтда кузги картошка экишга ҳозирлик кўриляпти.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

Мухбирларимиз хабар қиладилар

ТЎРТКЎЛДА МАЛИКАЛАР КЎП

НУКУС. ЎзХДП Тўрткўл тумани кенгаши маликалар танловини ўтказди. Бу сафар қизларнинг бўй-басти ва чиройигина инобатга олинмади. Балки уларнинг "Меҳр маликаси" унвонига лойиқ эканликлари баҳоланди. Хусусан, танловда уларнинг Ватан, ота-она ва фарзандга муҳаббатини кундалик турмушида намойиш эта билишлари, қўшиқ айтиб, рақс тушишга мойилликлари инобатга олинди. Й.Қурбонов номли "Агробизнес" коллежининг талабаси Саида Романова ғолиб, деб топилди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

ЯНГИЕРДА ТЕННИС МАЙДОНЧАЛАРИ

СИРДАРЁ. Янгиерда 10 та теннис майдончаси барпо этилади. Шундан бештаси бугун-эрта фойдаланишга топширилади. Хайрли ишларни амалга ошириш ташкилий комиссиясининг йиғилишида ана шулар ҳақида ахборот берилди.

Абдужалил УМАРОВ.

БЕШ ЮЗ ИШ ЎРНИ

ФАРҒОНА. Ўзбекистон туман ҳокимлиги ўтган йили ҳудуддаги корхона ва ташкилотларда 10 ишловчи ҳисобига битта иш ўрни яратиш, бунинг учун кичик маиший хизмат шохобчаларини кўпайтиришга қарор қилганди. Ўтган йилдан бошлаб ҳозирги кунгача 300га яқин кичик ва хусусий корхона очилди. Бу билан 500 дан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 25 июнь, сешанба № 79 (22.000).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Диққат, янги рукн:

Сафарнома

ХОРАЗМДАН – ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ

Газетамизнинг Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири, ёзувчи Қурбон Муҳаммадризо Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги арафасида мамлакатимиздаги барча вилоятларга ижодий сафарга отланди. Ундан кўзда тутилган мақсад умумхалқ байрами олдидан истиқлол одимлари, халқимизнинг шу кунлардаги бунёдкорона ишлари билан яқиндан танишиш, уларнинг орзу-ўйлари, ташвишу қувончлари, бугунги кун муаммоларини қаламга олишдан иборат. Таҳририят мухбиримизнинг йўл очеркларини газетанинг келгуси сонидан беришни режалаштирди.

ИСЛОМ КАРИМОВ ВАШИНГТОНГА КЕЛДИ

ВАШИНГТОН. (24 июнь. ЎзА махсус мухбири Амиркул КАРИМ хабар қилади). 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Вашингтонга келди. Олий мартабали меҳмонларни кутиб олишга мўлжалланган Эндрус авиабазасида мамлакатимиз раҳбарини АҚШ давлат департаментининг МДҲ давлатларига нисбатан сиёсати бош мувофиқлаштирувчиси Жеймс Коллинз ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Бугун Ислом Каримов АҚШ расмий доиралари, хориждаги хусусий сармояларни ҳимоя қилиш бўйича корпорация (ОПИК) раҳбарияти ҳамда Америка ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА ОҚ УЙ МАТБУОТ КОТИБИНИНГ БАЁНОТИ

Президент Билл Клинтон Президент Ислом Каримов унинг 25 июнь куни Вашингтонда учрашиш тўғрисидаги таклифини қабул қилганини мамнуният билан хабар қилади.

Мазкур учрашув икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганининг белгисидир.

Президентлар сиёсий, иқтисодий соҳаларда ва хавфсизлик соҳасида ҳамкорликнинг ҳал қилувчи масалаларини, шунингдек Марказий Осиёдаги янгиланишлар масалаларини ва бошқа масалаларни муҳокама қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь шу йилнинг 2-3 июль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

«АЛМА» НОМЛИ БЎРОН

Мексиканинг Тинч уммони қирғоқларига яқин ҳудудларда якшанба куни кечқурун соатига 100 миль тезликда бўрон қутурди. Бўрон мамлакатнинг жанубий ғарбида дарахтларни илдизи билан қўпориб, электр тармоқларини узиб ташлади. Мексика Флотининг маълумотига кўра, 12 футли тўлқинлар марказида бўроннинг қудрати 75 навигацион милга етди. Мексикаликлар тўлқинга «Алма» деб ном бердилар.

БИОЛОГИК СОАТ — ФАЗОДА

«Шатл» деб номланган фазовий кемада биологик тажриба ўтказилди. Колумбия мутахассислари самовий саёҳат чоғида биологик соат реактив қаршиликни қандай қилиб енгишини синамоқдалар. Колумбиянинг 7 фазогиридан 4 нафари электродлар билан ҳимояланган махсус қалпоқ кийиб олганди. Бу ускуна мия тўлқинлари, кўз ҳаракатлари ва мускуллар фаолиятини таҳлил этади.

Ғалла мустақиллиги йўлида

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Яқиндагина юртбошимиз Қашқадарё вилоятининг деҳқонлари ҳузурида бўлиб, уларнинг ғалла мустақиллиги йўлидаги фидокорона меҳнатларидан мамнун бўлган эди.

Бугун эса... Шукуҳли хушхабар келди.

Мамлакатимизнинг дилбар гўшаси Китоб тумани «Китоб» деҳқончилик-саноати фирмаси ғаллакорлари республикамизда биринчи бўлиб давлатга дон топшириш режасини уддаладилар.

—Ўтган йилиям биринчилардан эдик, — дейди фирма бош директори Зарифжон Бурҳонов. — Бу бежиз эмас албатта, хўжалигимиз асосан боғдорчиликка ихтисослашган. Ер майдони чекланганлигига қарамай ҳосилдорликни ошириш соҳасида деҳқонларимиз катта тажриба тўплаганлар. Бу йил 240 гектар майдонда олтин бошоқлар етиштирилди. Унинг 103 гектарига «Сангзор», юз гектарига «Ёнбош» навли буғдойлар, қолганига арпа экдик. Режадаги 210 тонна ўрнига 220 тонна «Сангзор» навли уруғлик буғдой топшириб давлат буюртмасини бажардик. Ҳосили ўриб олинган 54 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан дон йиғиштириб олинди. Нуриддин Раҳмонов, Суюн Нормуродов каби тажрибали деҳқонлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 55-60 центнерни ташкил этди. Бундан ташқари, келгуси йил учун буғдойнинг серҳосил «Ёнбош» навидан 50 тонна уруғлик жамғариб қўйдик. Бу йил ғалладан бўшаган 100 гектар майдонга дон учун маккажўхори, 60 гектарига «Голланд» картошкасини экамиз. Ҳозиргача 10 гектар ерда маккажўхори, 40 гектарда картошка ниҳолларини ундириб олдик. Ҳали имкониятларимиз катта. Бу йил камида 1100 тонна дон етиштирамиз. Ғаллакорларимиз давлатга 250 тонна донни эркин баҳода сотишга қарор қилди.

Ҳа, юртимизнинг бу фусункор гўшасида бошланган умид кўнгилга чексиз сурур бахш этади. Дарвоқе, Қашқадарёнинг «Китоб» деҳқончилик — саноати фирмаси ғаллакорларининг бундай ташаббус ва ғалабалари бутун Ўзбекистонимизда бу йил тўкинлик бўлишидан бир муждадир.

Норқобил ЖАЛИЛ,
Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ОЛТИНКЎЛДА ЯНГИ ЎЙИНГОҲ

Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги «Олтин соҳил» дам олиш масканида замонавий спорт мажмуининг қуриб битказилиши футболчилар ва спорт мухлисларини беҳад қувонтирди.

5,5 минг томошабинга мўлжалланган бу стадионнинг қурилиши ўтган йили бошланган эди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори чиққандан кейин асосий ишлар жадал суръатлар билан амалга оширилди.

Мазкур спорт мажмуини 101- ва 532-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари қуришди. Минглаб олтинкўлликлар — ўқувчилар, ишчи ва хизматчилар ҳамда қариялар унинг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этишди.



Мана чилла ҳам келди.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

САЙЛОВЛАР ХУСУСИДА БАҲСЛАШДИ

Американинг энг олиймақом хоними Ҳиллари Клинтон ортида турган Оқ уй вакиллари Президентнинг умр йўлдошини ҳимоя қилдилар. Хоним «Сайлов» деб номланган янги китобнинг муаллифи, руҳий тадқиқотчи билан учрашган эди. Ҳ. Клинтон китоб муаллифи билан ўтган ва бўлажак сайловлар хусусида баҳслашди. Клинтоннинг ундовига кўра ёзилаётган «Қишлоқ қандай қилиб забт этилади» китоби борасида фикрлашди. Бир гуруҳ кишилар Клинтон хонимнинг бу хатти-ҳаракатини муҳокама қилмоқдалар.

ЭГАЛЛАНГАН ЕРЛАР...

Исроил Бош вазири мамлакат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган Араб давлатлари раҳбарларининг Қоҳирадаги учрашувини қоралади. У олий даражадаги учрашувнинг аниқ жиҳатларини танқид қилишдан чекинган ҳолда, эгалланган ерлар тинчлик учун хизмат қилиши керак, деб айтди.

АТЛАНТА ЎЙИНГОҲИДА

Машҳур спортчи Майкл Жонсон Атланта мусобақасида ғолиб бўладиган кайфиятда эмас эди. У ҳамиша 200 метрга 19.66 секундда югурса, бу гал... Бунга Атлантанинг Олимпиа ўйингоҳида ҳаво намлигининг меъёрдан анча юқори бўлгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Яккама - якка

ХАЛҚ БАНКИ КЎПЧИЛИК МАНФААТИНИ КЎЗЛАЙДИ

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида банк-кредит тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш ва айниқса қимматли қоғозлар бозорини яратиш, уни ҳар томонлама ривожлантириш жуда катта аҳамият касб этмоқда. Чунки, қимматли қоғозлар бозори миллий валюта барқарорлигини таъминловчи пул инфляциясини пасайтиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви раиси Н. МУҲИДДИНОВ билан ана шу мавзуда мулоқот қилди.

— Нуриддин Фахриддинович, республикамизда қимматли қоғозлар бозори механизмини яратиш ва ривожлантиришда Халқ банкининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу борада банкда қандай ишлар амалга оширилянти?

— Президентимиз И. Каримов шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган Идораларо кенгаш йиғилишида қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш долзарблиги ҳақида гапириб, бу масаланинг ҳал этилиши республикада ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган жами тубдан қайта ўзгартиришларда моҳияти жиҳатидан муҳимлигини уқтириб ўтган эди. Шуни ҳисобга олиб, республика Халқ банки, унинг жойлардаги бўлимлари мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори механизмини яратиш ва ривожлантириш ишида фаол иштирок этиб келяпти. Жумладан, Халқ банки шу йил 1 мартдан ҳар бирининг номинал қиймати 250, 500, 1000 сўм бўлган депозит (жамғарма) сертификатларини жисмоний шахсларга сотиш учун муомалага чиқарди. Ушбу сертификатлар бўйича фоизлар 3 ой, 6 ой, 9 ой ва 12 ой муддатларда белгиланган миқдорларда тўланяпти. Мижоз хоҳлаган пайтида сотиб олган сертификатларини банк бўлимига топшириши ва сақлаш муддатига мос фоиз миқдорини ҳамда сертификат қийматини олишга ҳақлидир. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини инфляция жараёнларидан муҳофаза қилишдир.

Халқ банки Молия вазирлиги томонидан чиқарилаётган қисқа муддатли давлат облигациялари ким ошди савдосининг иштирокчиси сифатида ҳам қимматли қоғозлар бозорида дилер (воситачи) сифатида қатнашиб келмоқда.

— Бошқа банклар қатори Халқ банки ҳам векселлар чиқарса бўлмайдими?

— Бу ишни пишиқ-пухта ўйлаб амалга ошириш керак. Яқин вақт ичида банкимиз ўз векселларини муомалага чиқаришни мўлжаллаб турибди.

— Телевидение орқали кўп эшитиб қоламиз, у ёки бу лотерея ютуғини Халқ банки бўлимларидан олаасиз, деган гапни...

— Тушундим. Бу банкимизнинг мамлакатда ижтимоий-маданий соҳаларда олиб борилаётган тадбирларда фаол иштирок этаётганидан далолат. Халқ банки республикамиздаги тарихий, маданий ёдгорликларни тиклаш ва асраш мақсадида «Буюк Турон, Инк» ҳиссадорлик жамияти томонидан чиқарилган «Буюк ипак йўли» пул ютуқли лотереясси, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилаш мақсадида «Эколот» қўшма корхонасининг «Эколот» лаҳзали пул-ютуқ лотереяси бўйича лотереяларни сотиш, сақлаш, экспертиза қилиш ва ютуқларни тўлаш бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Яқин вақт ичида эса Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик туйи муносабати билан «Амир Темур халқаро жамғарма фонди билан ҳамкорликда «Хазина» ва Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамияти билан биргаликда «Спринт — Меҳрибонлик» лаҳзали пул лотереялари чиқаришни мўлжаллаяпмиз.

— Шу йилнинг 1 июнидан бошлаб Халқ банки республикамиз аҳолисига «Рағбат» ва «Омад» номли янги омонат турларини таклиф қилди. Ушбу омонат турларининг фойдали томонлари ҳақида гапириб берсангиз.

— «Рағбат» номли омонат турини оладиган бўлсак, масалан, энг кам миқдорда 3 минг сўм пулни омонатга топшириб, сиз ойига 4 фоиздан даромад олиш билан бирга ушбу омонат қолдиғининг 80 фоизи миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига ҳам эга бўласиз. «Рағбат» омонати бўйича пуллар нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бу омонатлар бўйича фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади. Омонатни қўйган шахс омонатга тегишли даромад фойдасини олиб туриши мумкин. Энди «Омад» ютуқли омонатига келсак, бу омонат бўйича пул топшириб жуда катта ютуқ эгаси бўлишингиз ва омадингиз чопиши ҳеч гап эмас. Мазкур омонат тури «талаб қилиб олгунча» омонат тури каби кирим ва чиқим муомалаларини бажариш ва фоизлар қўшиб бориш билан бирга ҳар ярим йилда даромадингизни 3 мартадан 20 мартагача ошириш имкониятини беради. «Омад» ютуқли омонати бўйича энг камида 500 сўм маблағни қўйишингиз зарур. Омонатнинг юқори чегараси эса чекланмаган. Ушбу омонат бўйича ютуқлар тиражи йилига икки марта июнь ва декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Халқ банки қимматли қоғозлар бозорининг тобора ривожланишида, мижозларга банк каф олатини бериб, кишиларда қимматли қоғозларга қизиқиш, интилишни кучайтириш ва улар билан муомала қилишга барча шарт-шароитларни яратиб бериш йўлида тинимсиз фаолият кўрсатаверади.

Аслиддин БОЛИЕВ
суҳбатлашди.

АРАҚФУРУШ «БИРЖАЛАР»

Йўл-е

Сурхондарёнинг баъзи бозорларига кирганда эҳтиёт-роқ бўлмасангиз ароққа туртиниб, сирғалиб кетишингиз мумкин. Балки дидингизга мос кийим-кечак, фарзандингиз оёғига пойабзал топилмас. Лекин ароқ мўл! Ҳар қадамда ҳар хили. Нафақат бозорлар, ҳатто одамлар «биржа» деб атайдиган хусусий дўкон (уй-дўкон)лари тегирмони дўлига тушиб турган асосий даромад ҳам ароғу тамакидан.

Жарқўрғон туман солиқ назорати идораси ходимлари ароқфуруш «биржалар»нинг фаолиятини ўрганишди.

— «Большевик» (номини қаранг?!) деб аталадиган қишлоқдан Тоштемирова Насиба, «Сурхон» қўрғонидан Рамазонова Саломатларнинг ўз уйларида ароқ кетди, вино кетди деб ўтиришлари аввало эриш туюлади, — дейди солиқ идораси ходими Абдуқодир Тўраев. — Бу тижоратни мен шунинг учун ҳам «ароқфурушлик» дейманки, улар бу ишнинг расм-русумини бузганлар. Сертификатлари, спиртли ичимликлар сотишга рухсатномалари йўқ.

Оққўрғонлик Бегималиев Абдисамад, сурхонлик Одинаев Тўлқинларнинг «биржа»ларидаги аҳвол ҳам худди шундай. Сурхондарёнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган ароғу шаробларни ҳужжатсиз сотувга чиқариб ўтирибдилар.

— Неча нуқтада ароқ сотиляпти-ю, одамларимиз бир кунда ё бир ойда неча сўмлик ароқ ичяпти — буниси менга қоронги, — дейди Тўраев гапини давом эттириб.

— Лекин ароқ савдоси кутубхоналарнинг-у, обуна нашрлари ташувчиларнинг ишларидан бир неча баравар юришганига шубҳам йўқ. Нима учун биз кўп ичамиз? Айрим оталар болалари билан, айрим ўқитувчилар ўқувчилари билан қадаҳ уриштирганини кўриб, ачинасан киши. Ва яна ўзимизни оппоққина қилиб кўрсатиб, вой-дод, жиноятчилик қачон тўхтайди, ўғрини ким ушлаб беради, деб жар солмоқчи бўламиз. Нима учун?

— Бозордаги савдо-сотиқни, айниқса, ароқ тижоратини назорат қилиш бўйича навбатчилик ташкил қилганмиз. Қўлбола ароқ тайёрловчиларнинг тегирмонларини ёпиб ташлаяпмиз. Ароққўрнинг нафси бўлса ўзининг ихтиёрида, — деди Тўраев яна кулиб.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

Партиявий ишларнинг самарали бўлишида, унинг таъсирчанлигини оширишда режалаштириш, ҳужжатлар билан ишлаш ҳам муҳим ўрин тутади. Мухбиримиз Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши иш қоғозларини юритиш шўъбаси мудири Адил САПАРОВдан шу ҳақда гапириб беришни сўради.

— Ўзбекистон ХДП дастурий мақсади, Миллий истиқлол мафкураси, мамлакатимиз Президенти маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида барча шаҳар ва туман партия кенгашлари пленумларида асосий иш йўналишларини белгилаб олдилар. Унда ижроия бюро мажлиси, пленумларни тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этиш, қарорларнинг ижросини назорат қилиш, меҳнаткашлардан келиб тушган хатлар билан ишлаш, иш қоғозларини юритишни тўғри ташкил этиш борасида ҳам гап борди.

Шўъбамизда партия ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича шаҳар ва туман партия кенгашлари иш қоғозлари чуқур таҳлил қилинди. Бир қатор туман партия кенгашларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой туманлари партия кенгашлари партия ишларини режалаштириш ва уларни расмийлаштириш, иш қоғозларини юритишда маълум даражада тажрибага эга эканлиги аниқланди.

—Камчиликлар ҳам йўқ эмасдир?

— Элликқалъа туман партия кенгаши ижроия бюросида ўтган йил апрель, июнь ойларида ҳеч қандай масалалар кўрилмаган. Унинг ўрнига январь ойида

Муносиблик масъулияти

қўйилган масала муҳокама қилинган. Июнь ойида «Элтекс» тўқимачилик мажмуида бозор муносабатларига ўтиш даврида ишловчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, иш ва дам олиш шароитини яратиш ҳақидаги масала кўрилмасдан қолган.

Шунингдек, Бўзатов тумани, Нукус шаҳар партия кенгашларидаги аҳвол ҳам яхши эмас. Шу туман, шаҳар партия кенгашларида иш қоғозларини юритиш ишларини такомиллаштириш, унинг маданиятини яхшилаш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ижроия бюроси қарорлари узоқ муддатларгача кўрилмаган, котиблар томонидан назорат қилинмаган.

Кўриниб турибдики, шаҳар ва туманлар партия кенгашларида интизом бўшаштириб юборилган.

Айрим шаҳар ва туманлар партия кенгашларида ҳужжатларни ҳисобга олиш дафтари тутилмаган. Бунинг оқибатида юқори идоралардан келган ҳужжатларнинг кўпчилиги шаҳар ва туманлар партия кенгашларининг аъзоларига, аппарат ходимларига, бошланғич партия ташкилотларига етиб бормаяпти.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ижроия бюросида Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туманлар кенгашларида партия ишларини режалаштириш ва уларни расмийлаштириш ҳақидаги масала муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Партия ишларининг самарадорлиги иш қоғозларини партия Низоми талаблари асосида олиб бориш, ҳужжатларни тўлиқ ва аниқ расмийлаштириш билан белгиланади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ғўза ўсса, кўнгил ўсар. Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган танловга

СУЮКЛИ БИБИ

ёки Сароймулкхоним билан руҳий мулоқот

Бибижон! Буюк туркнинг суюк Бибихони, бибиси! Жанубий Сибирдан тортиб, Ўрта Ер денгизигача яшовчи халқларга биби бўлолган, қўллари улуғларнинг бешигини тебратиб толмаган, меҳри, муҳаббатини халқидан, юртидан дариғ тутмаган бибижон!

Ақлингиз, донолигингиз ҳазрат соҳибқирон бобомизни шоширганини кўп эшитганман. Ўткир фикрингиз, ҳозиржавоблигингиз, қатъиятлилигингиз вазиру аъзамларни, сарой аъёнларини лол қолдирганлиги қалбларни тўлқинлантиради. Эл-улусга қилган яхшиликларингиз, хизматларингиз, адолат йўлидаги савоб ишларингиз достонларга сиғмагай, бибижон!

Бугун сизни эсладим. Хаёлимда олти юз йиллик катта тарихни нурга тўлдириб турган офтоб чеҳрангиз тиклланмоқда. Ҳа, ана ўтли қарашлари билан соҳибқиронни юрагини ларзага солган бодомқовоқ кўзларингиз нам, киприкларингиз эса ҳўл. Биламан, бу — севинч ёши, бибижон. Биламан, бу — миллатимизнинг истиқлол кунларига етганлигидан қувончга тўлишнинг унсиз, забонсиз исботи.

Бир вақтлар сочларингизни ювган Жайҳун ҳамон шовуллаб турибди. Эҳе, қанча йиллар,ҳатто асрлар унга қўшилиб оқди ва оқмоқда. Бу орада тузумлар, замонлар ўзгарди. Гоҳ чўллар ўрнида шаҳарлар тикланди. Гоҳ азим, обод масканлар харобага айланди. Гоҳ адолатсизлик авжга чиқди. Гоҳ ҳақиқат қарор топди. Гоҳ инсон қони дарё бўлиб оқди. Гоҳ инсон қадри бошга кўтарилди. Гоҳ...

Бу кўҳна ўтмиш кўп маликаларни кўрган. Эҳ, уларнинг баъзилари... Бирови эрига, бирови юртига хиёнат қилган. Бирови ёмонлик билан ном қолдирган. Сиз-чи? Сиз эса бокирасиз. Бутун жаҳон аёлларига шараф келтирган зебо фазилатларингиз, нафис хислатларингиз олис мозийнинг зийнати, оқсоч тарихимизнинг безаги. Ожизаи давронлар, эрга, юртга садоқатни, муҳаббатни сиздан ўргансалар бўларди. Улуғ саройларга муносиб маликаликни сиздан ўргансалар бўларди.

Ҳазрат соҳибқирон бобомиз неча бор уйланганлар, неча маликаи давронларнинг қўлини сўраганлар. Фақат... Бу улуғ зотга фақат сиз муносиб ёр бўлгансиз. Гарчи буюк ҳоқон эрсалар-да, ақлингиз, садоқатингиз, меҳрингиз олдида лол қолганлар.

Соҳибқирон танг вазиятга тушганликларида қиличдан ўткир ақлингизни ишлатиб, ёпиқ эшикларни очгансиз. Сарой нуфузини, улуғ оила шарафини кўкрак тутиб, жон тикиб ҳимоя этган, фарзандлар, набиралар тотувлигини сақлаган сиз эмасми? Жанг майдонидан узоқда туриб буюк ғалабаларни маънавий таъминлаган зот ким ахир? Шаҳрисабздек мўъжаз шаҳар ҳокими Темурбекнинг соҳибқирон даражасига кўтарилишида, шуҳрати бутун дунёни забт этган йирик феодал давлатининг шаклланишида, буюк темурийлар сулоласининг таваллуд топишида кўрсатган саъй-ҳаракатларингиз, чеккан заҳматларингиз, беминнат хизматларингизни сўйлаб адо қилиб бўлмагай.

Бибижон, баъзилар шуҳрат, обрў учун улуғлар руҳини безовта қилишдан ҳам тап тортмас эканлар. Салла десалар каллани олиб келадиган бунақа кимсаларнинг қилмишини ўтмиш ҳеч қачон кечирмайди.

Ўша даврларни эсласам, томирларда қон ўрнида армон тўлиб оқиб тургандек туюлади. Кўнгилга тун бостириб киради. Юракни санчиқ исканжага олади. Баъзиларда ймон сустлиги, халқимизнинг тарихига, ўтмишига эътиқодимизнинг заифлиги бизга кўп панд берди. Бойликларимиз ўзга юртларга ташилди. Шаҳар ва қишлоқларимиз, ҳаттоки қабристонларимизгача таланди...

Бугун эса сизнинг ҳам, соҳибқирон бобомизнинг ҳам руҳлари шод бўлаётир. Аллоҳга минг бора шукрки, тазйиқларсиз яшайдиган ҳур замонларга етиб келдик. Ўтмишга тош отиш, тарихимизни бузиб кўрсатадиган даврлар қайтиб келмас бўлиб ортда қолди.

Бу йил бутун дунё бўйлаб ҳазрат соҳибқирон Амир Темур бобомиз тўйига зўр тайёргарлик кўрилмоқда. Бу мустақил Ўзбекистонимизнинг улуғ маъракасидир. Бу сизнинг ҳам тўйингиз. Энди руҳингиз тинч, қабрингиз обод бўлгай.

Файзи ҲАЙДАРОВ.

ҚАДАМИНГИЗ МУОЛАЖАДАН БОШЛАНАДИ

Пойтахтимизнинг Дўмбробод мавзеидаги 1-республика клиник шифохонасини нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда яхши билишади. Халқ тилида бу ерни ҳали ҳам «ўн олтинчи касалхона» деб келишади. Эндиликда унинг аталишигина эмас, тиббий хизмат даражаси ҳам, ташқи кўриниши ҳам ўзгариб кетган. Агар сиз бу ерга шахсий машинангиз билан келсангиз, хавотирга ҳожат йўқ: илгаригидек транспорт воситаси ташқарида қолмайди, шифохона ҳудудининг ички қисмида назоратчилар кузатадиган махсус майдонча хизматингизда.

Дарвозадан кенг ҳовлига қадам қўйишингиз билан ажиб манзара кўз олдингизда намоён бўлади: баҳри-дилингизни очувчи гулзору мўъжаз

Шифо масканларида

фавворалар яратган айрича иқлим руҳингизни енгиллатиб юборади. Агар даволанишга келган бўлсангиз, шуни билингки, илк қадамингиздан дастлабки муолажа бошланади. Бордию яқин кишингизни кўриш учун келаётган бўлсангиз, англайсизки, шундай гўзал жойда ҳамма нарса фақат инсон учун яратилган. Бундан кўнглингиз хотиржам бўлади. Ён- атрофга разм солиб ҳамма жойнинг саранжом-саришталигига имон келтирасиз. Агар солиштириш мумкин бўлса, бу ерни намунали курортга таққослаш ўринли.

Шифохона шарафи — академикдан тортиб то оддий ҳамширагача ана шу шаънни сақлаш, янада юқори кўтариш учун курашади. Бунга осонликча эришиб бўлмайди, албатта. Бош шифокор Муродил Қодировни хизмат хонасида камдан-кам учратасиз: бир қарасангиз миллий ўймакорлик нақши туширилаётган ишнинг сифатини текшираётган, яна излаб кўрсангиз шифохонага келтирилган янги асбоб-ускуналарни ўрнатишга бош бўлаётганини кўрасиз.

— Ўтган йили бош врачимизнинг тоби қочиб қолди, — дейди шу ерда ишлаётган ҳамширалардан бири. — Даволаниш учун ҳукумат муолажагоҳига бормадилар, ўзимизда эл қатори ётдилар. Ахир бемор ҳолатини ўз танасида ҳис этиш ҳар қандай ахборотдан афзал эмасми?

Даволаш муассасасининг нуфузини фақат яхшилаб таъмирланган хоналаргина таъминламайди. Бу ерда катта тажрибага эга тиббий мутахассислар жам бўлишган. Академик Ўктам Орипов, Фанлар академияси мухбир аъзоси Наби Мажидов, профессорлар Нозима Деҳқонхўжаева, Саримбек Наврўзовларнинг ҳар бири инсон танасини тадқиқ этиш, даволаш бўйича ўз мактабини яратган олимлардан.

Барча жамоаларда бўлгани каби бу ерда ҳам турли оммавий тадбирлар ўтказилади. Тиббиёт ходимлари куни, Мустақиллик ва Наврўз айёмларига бағишланган шодиёналар ўтказиш бўйича шифохонада катта аньана вужудга келди. Пойтахтимиздаги барча тиббиёт муассасалари ана шу аньанага ҳавас қилишади, уларга ўхшашга интилишади.

Биз ихчам мақоламизда факт ва рақамларни тилга олмадик. Агар бу ерда 370 нафар врач, 700 га яқин ҳамшира меҳнат қилаётганини айтсак, шифохонанинг қандай кенг қамровда эканлигини англаш қийин эмас. Истиқлолнинг беш йиллиги арафасида ўз шаънини юксалтириб бораётган шифохона аҳлига муваффақиятлар тилаймиз.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон — АҚШ: ҳамкорлик чорраҳаларида

МУРУНТОВДА «КАТЕРПИЛЛЕР» МАШИНАЛАРИ

Асрий Қизилқум кенгликларидаги айтарли барча конларда, жумладан Мурунтов олтин конида ҳам қазилма бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлашда чет эл технологияси, техникаси ниҳоятда зарур. Шу боис, Навоий Тоғ-металлургия комбинати ва Марказий кон бошқармаси мутахассислари, муҳандис-техниклари ибратли ишларни амалга оширишяпти. Натижада қатор хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар юзага келмоқда. Айниқса, АҚШнинг «Катерпиллер» фирмаси билан ҳамкорликни алоҳида қайд этиш жоиздир. Замонавий техника ва технологияга эга бўлган бу фирманинг кўплаб оғир юк кўтарувчи машиналари ва экскаваторлари Мурунтов олтин конида муваффақиятли ишлатилмоқда.

— Мурунтов олтин ҳавзаси учун «Катерпиллер» машиналари ниҳоятда қулай, —дейди кон бошлиғи А. Клименко. — Чунки биз 250-300 метр чуқурликдан тоғ жинсларини қазиб оляпмиз. Қанча чуқурроқ тушаверсак қазиш ва ташиш ишлари шу қадар мураккаблашиб боради. Бунинг учун эса ҳар қандай шароитда: совуқда ҳам, жазирама иссиқда ҳам ишлай оладиган замонавий машиналар зарур. Шунинг учун ҳам биз Америка машиналарига кўпроқ таяняпмиз.

Мурунтовга эрта-индин «Катерпиллер» фирмасининг яна кўплаб машиналарини келтириш мўлжалланяпти. Америка томони вакили Ройманд Блашар эса Мурунтов конида ёшларга технология ва техника сирларини қунт билан ўргатяпти. Ҳозирдаёқ кўплаб ёшлар Америка машиналарини бемалол бошқаришяпти. Бу ерда нафақат оғир юк кўтарувчи машиналар, балки ҳадемай замонавий бульдозер ва экскаваторлар ҳам келтирилади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАРҒИЛОНЛИК ҲОТАМТОЙ

Марғилонни биласиз: Кумушбибини тупроғида ардоқлаб, пешонасига сиғдиролмагани учун ҳам ёниқ бир армон билан севасиз. Бу юрт не-не улуғ зотларнинг ўлкаси. Тоза палаклар ҳамиша тоза мевалар тугади, дейишади фозиллар. Ботирҳожи Ҳакимов шундай тоза палакнинг авлоди, Марғилоннинг муносиб фарзанди. У назаримда халқ ривоятидаги Ҳотамтойнинг шамчироғини баҳоли қудрат ёқаётгандай. Айниқса, кимлардир бугунги кунда иқтисодий қийинчилик бор деб тўлғаниб юрган даврда унинг хайр-саховатини бир кўрсангиз эртагу ривоятлар замиридаги ҳақиқат афсона эмаслигини ҳис этасиз, уни бекорга Марғилонда Ҳотамҳожи дея улуғламасликларига амин бўласиз. У киши 90-йилда муборак ҳаж сафарини ихтиёр этганлар.

Нафақат Марғилонда, балки бутун водий бўйлаб не-не хайрли ишларнинг бошчиси, сабабчиси Ботирҳожини бир эшитинг-а! «Ҳукуматимизнинг катта хайриҳоҳлиги туфайли қутлуғ ҳаж сафарига бориб келгач, қайтадан туғилгандай сездим ўзимни, — дейди у. — Айниқса, юртимиз озод бўлиб, бутун дунё билан салом-алик қила бошлаганимиздан кейин бошдан дўппини олиб ўйладим. Шунча йил яшадим, тирикчилик қилдим, лекин қайси мамлакат, қайси тузум бунинг қадрига етди? Энди йўқ, мен бошқа одамман, Ўзбекистон ҳам бутунлай янгича, ўз йўлидан кетяпти. Шу Ватанга озгина бўлса-да нафим тегсин, дея қўлимдан келганча иш бошладим. Яхши ният билан бир

Ислоҳот чорраҳаларида

хусусий корхона очиб, унга «Марғилон тонги» деб ном қўйдим. Аввал қийналдим. Бугун ҳаммаси изга тушиб кетди. Яқиндагина Германиядаги «Манфред Дибер» фирмасининг президенти ва вакиллари биз тўқиётган қадимий атлас нусхалари билан қизиқиб қолишди. Ота-бувамиз азалдан шуғулланиб келган оддий косибчилик йўли билан тўқилаётган «Хосиятхон», «Нодирабегим», «Баникарам» атласларини кўриб ҳаваслари келди. Ана шунда, биласизми, мен ўз халқимнинг қўли гуллигидан ғурурландим».

Дарвоқе, Ботирҳожининг «Марғилон тонги» ҳақида икки калима. Кўзимиз билан кўрганларимизни айтсак, ишонарсиз. Хитойдан келтирилган 7та 18 ўринли микроавтобуслар марғилонликларга беминнат хизмат кўрсатяпти. Йўлкираси... давлат транспортига қараганда 25 фоиз арзон. Ҳатто, ногирон ва ёрдамга муҳтож кишилардан йўл ҳақи олинмайди. Автобуслардан келаётган даромадга ҳом ашё олиб, тикувчилик цехи ташкил этилган. Ҳозир бу цехларда 20 нафар қиз атлас халатлар, кўйлаклар, чет эл матоларидан ҳар хил кийимлар тайёрлашяпти.

Ҳа, айтганча кўп кекса отахон ва онахонлар ҳам Ботирҳожининг ҳиммати-дан кўнгиллари тўлиб-тўлиб алқашади. Уларни ёзай десам, ҳожи ака «қўйинг, нокамтарлик яхшимас. Мурувват таъма қилинмайди. Ҳаммаси савоб учун, қизим», — дедилар хокисорлик билан.

Бор гап шу. Бир мунглуғнинг бошини силамоқлик юз карра савоб иш қилмоқлик билан баробардир, дейилади Ҳадиси шарифда. Ботирҳожи Ҳакимов озод элнинг фарзанди. Бундай инсонлар ҳеч қачон яхшилик қилишдан чарчамайдилар. Чунки улар яхшилик учун яралган...

Озода БЕКМУРОДОВА.

26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

ТУБСИЗ МАНЗИЛ

Мудҳиш бир хавф бор. У ҳамиша дунёни ларзага солиб келган. Унинг касофати туфайли хазиналар зиён кўради. Оналар фарёд чекади. Оталар ғамандуҳда. Фаҳмли ҳар инсон қоралайди, лаънатлайди уни. У гиёҳвандликдир. Бу вабо истеъмол қилинган оила гумроҳ, у кенг тарқалган мамлакат чирикдир.

Азал-азалдан халқимиз бу иллатдан ҳазар қилади. Истеъмол қилгандан ҳам, етиштиргандан ҳам ўзини узоқ тутади. Уларга паст назар билан қарайди. Чунки шу оғу туфайли оилалар бузилади. Ғудаклар мажруҳ туғилади. Жиноятга қўл урилади. Унинг олдини олиш, қарши курашиш ватанни, миллатни асрамоқликдир.

Очиғини айтиш керак. Гиёҳвандик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари кўпаймоқда. Уни содир этаётганлар орасида аёллар, вояга етмаган болалар, қарияларнинг ҳам борлиги ачинарлидир.

Юртимизда гиёҳвандликка қарши кураш умумхалқ масъулиятига айланганидан бу машъум воситаларнинг вақтида олди олиняпти. Маҳалла-қўйда, мактаблар, уқув даргоҳларида гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари,оғуга ружу қўйиш фожиали эканлиги ҳақида кенг қамровли ишлар қилиняпти.

Умрнинг эгови бўлмиш бу фалокатдан қутилиш осон кечмаётганини айтмаса бўлмас. Енгил-елпи, ҳаром-ҳариш пул топишга ҳирс қўйганлар, айниқса, гиёҳвандликка юз тубан кетишаётгани ҳавфлидир.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишда темир йўл транспортидан фойдаланишга уринишлар кўп. Термиз транспорт ички ишлар ходимлари бу борада текшириш ўтказишди. Милиционерларнинг эътиборини «Душанбе-Москва» поездининг 2-вагон йўловчиси тортади. У Тожикистон Республикаси фуқароси Н. Абубакиров экан. Рус шаҳарларини томоша қилишга чиққан биродаримизнинг ёнидан 708 грамм 500 млг. «гашиш» турдаги гиёҳванд моддаси топилди.

— «Ҳисор» станциясидан икки қотаниш киши Россиянинг «Арис» бекатига олиб боришни илтимос қилганди,— дейди Н. Абубакиров. — Хизмат ҳақини қайтиб келгандан сўнг беришни ваъдалашгандик.

Ким ишонади бунга? Билмаган-кўрмаган одам дуч келган кишига сен олиб бор, ҳақини кейин бераман дейдими? Қўлга тушгач баҳонаям тайёр. Сурхондарё вилоят судининг ҳукмига кўра Н. Абубакиров II йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Юқорида аёллар ҳам гиёҳвандликка қўл урянти дегандик. Аслида бу катта йўқотиш. Афсуски факт. Зинаида Мацаева Россия Федерацияси фуқароси. «Душанбе-Конибодом» поездининг 1-вагонида кетаётган З. Мацаева анча «бозор-учар» қилиб олибди экан. Унинг қора рангли сумкаси текширилаётганда опанинг мазаси қочди. Буни қарангки 3 дона полиэтилен турвачадан 3 кило 68 грамм «опийсирец», иккита турвадан 1 кило 791 грамм наша, бошқа турвадан 0,6 грамм героин чиқди.

Тергов натижасида аён бўлдики, меҳмон аёл Тожикистон республикаси фуқароси Р. Бабаховнов билан аввалдан тил бириктиради. Сўнг иккиси сотиш мақсадида Душанбе шаҳридаги «Саховат» колхоз бозоридан ҳалиги «матоҳни» 2000 АҚШ долларига харид қилади. Номаълум шахсдан олинган гиёҳванд моддаси Тюмень вилоятига етказилиши лозим экан. Милиция ходимлари бунга йўл қўйишмади.

Ҳар икки «савдогар» ҳам қилмишига яраша «тақдирланди» Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 25-, 272-моддаси 2 қисми ва 246-модданинг 2 қисми бўйича З. Мацаева, Р. Бабаховновларга нисбатан қўзғатилган жиноий иш Самарқанд вилоят суди томонидан қўрилиб, 15 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Ношукур одамлар ҳам бўлади. Куни ўтиб, қозони қайнаб турганига сабр қилмайди. Бойигиси, яна бойигиси келади. Миясига урилган иллат — молдунёга ҳирс уни қурбон қилганини кейин тушунади. Майли ҳалол ишласин, ҳалол топсин. Лекин у буни истамайди. Ноқонуний йўл билан топгани азиз, баракали туюлаверади. Ургутда шундайларга дуч келинди. «Муминобод-Самарқанд» автобуси Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан ўтаётганда милиция ходимлари томонидан тўхтатилиб текширилади. Бундан айрим йўловчилар ранжийдилар. Лекин уриндиккa жойлашиб олган Лилия Бакнинг сумкасидан чиққан «бисотдан» лаб тишлаб қолишди. Аёлнинг қўлидаги салафан турвасида 162 дона гугурт қутиси бор эди. Уларнинг ичига 1024 грамм банг нашаси жойлаштирилган экан.

Ушбу ҳолат тезкор ходимлар томонидан ўрганилиши вақтида банг нашаси автобус салонида тик туриб кетаётган Александр Цойга тегишли бўлгани аниқланди.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш борасидаги ишларга тўхталдик. Чунки ҳозирги кунда бу муаммо бутун жаҳон миқёсида инсониятнинг саломатлигига таҳдид солувчи, бундан ташқари, келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларига кўра, жиноятчиликнинг бошқа турларининг салмоғига, ҳамда иқтисодий, ижтимоий жараёнларга ҳам салбий таъсир этувчи муаммо сифатида қаралмоқда. Шу сабабдан ҳам, бу соҳадаги чора-тадбирлар бутун дунё жамоатчилиги томонидан, мамлакатлараро миқёсда кўтарилиб, уларни амалда қўллашнинг йўл-йўриқлари ишлаб чиқилмоқда.

1993 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов БМТдаги ўз маърузасида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашда Ўзбекистоннинг аниқ ўрни борлигини баён қилди ва ушбу муаммо юзасидан халқаро масалаларни ҳал этишда бизнинг мамлакатимиз ҳам қўшилишга тайёр эканлигини таъкидлади.

1995 йилнинг февралида эса, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1961 йилги «БМТнинг гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Конвенция», 1971 йилги «Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенция» ва 1988 йилги «БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция»га қўшилиш ҳақида расмий қарор қабул қилинди.

Шу сабабдан жорий йилнинг 3-4 май кунлари Тошкентда гиёҳвандлик воситалари устидан назорат ўрнатиш борасида ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланган халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. БМТ ва БМТнинг гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш бўйича дастури (ЮНДКП) ҳомийлигида ўтказилган мазкур анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатлар, ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг 200 нафарга яқин вакиллари қатнашди. Ушбу анжуманда Марказий Осиёдаги 5 та давлат ташқи ишлар вазирлари ва ЮНДКП ижро этувчи директори Жиоржио Жиакомелли гиёҳвандлик воситалари устидан назорат ўрнатиш борасида ҳамкорлик қилиш ва узаро англашув тўғрисидаги Меморандумни имзоладилар.

Яқинда Бишкек шаҳрида бўлган Халқаро семинар «Гиёҳвандлик ва жиноят» масалаларига қаратилди. Унда Узбекистоннинг нуфузли делегацияси ҳам қатнашди.

Бундан чиқадиган хулоса нима? Гиёҳвандлик келтирилган азоб-уқубат, фожиаларни доимо эсда тутмоғимиз шарт. Шахсий манфаатни ўйлаб, эл омонлигини унутганлар билиб қўйсин, у қўлаган манзил тубсиз. Унга тушса ғарқ бўлади. Гиёҳвандлик бу бахтсизлик, унга ҳирс қўйиш фожиадир. Келинг, болаларимизни, уруғимизни, қунқўшниларни бу балодан асраб қолайлик. Ўшанда ўзимиз ҳам асрнинг вабосидан бехавотир бўламиз.

Отабек ФУЗАИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ички ишлар органларида тергов ва суриштурувни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи.

БИР ТОМЧИ ҚОН

Бу сирли олам

Бир куни касалхонага кириб кетаётиб, эшик олдида энтикиб-энтикиб йиглаб турган аёлга кўзим тушди. Ёнидаги киши аёлни юпатишга уринса-да, ўзидаги безовталик аломатларини яширолмас эди. Ичкарига киришим билан ҳамширага дуч келдим. У мураккаб операция кетаётганлигини айтди.

Жарроҳлик столида ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги бир қизча ётарди. Юзини совуқ тер қоплаган. Нафас олиши ва қон томирининг уриши сустлашиб бормоқда эди. Операция тугаганлигига қарамай қизалоқнинг ҳаёти хавф остида. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун операция давридаёқ бошланган қон қуйишни давом эттириш лозим эди. Бироқ шифохонадаги мавжуд қон гуруҳи ишлатилиб бўлинганди.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда операция хонасида бўлган ҳар бир киши яқиндагина аниқлаб, паспортига белгиланган ўз қон гуруҳини ва унинг беморга мос келиш-келмаслигини хаёлидан ўтказди. Ҳозиргина мураккаб операцияни бошқарган ва анчадан буён донорлик бурчини адо этиб юрган шифокор ўзининг қони бемор қон гуруҳига тўғри келишини дарҳол текшириб ҳам кўрди.

— Шу қонни қуйиш мумкин! — бу сўздан ҳамма енгил нафас олди. Бу фавқулодда воқеанинг иштирокчиси бўлиб турар эканман, эшик олдида кўз ёши қилиб турган отаона ўз жигарбанди ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокорнинг ўз қонини ҳадя этганини билишармикан, деган ўй-фикр хаёлимдан кечди. Эҳтимол билишмас?! Лекин бир нарса равшан: шифокор ўз қонини бериб, қизча ҳаётини сақлаб қолди, миннат ҳам қилмади, бурчини бажарди...

Профессор С. Баҳромовнинг изтироб ва ҳаяжонга тўла ана шу ҳикоясини эслаганимда чуқур ўйга толаман. Қандай олижаноблик, жасорат деса ҳам арзийди, бундай беғубор оқ халатли кишилар қанча кўп бўлса, умримиз шунчалик узаяверишини аниқ!

Хўш, оғир дардига шифо ахтарган беморларга ҳаёт ато этгувчи қоннинг ўзи нима, у ҳақда умумий тасаввурга эгамизми? Қадимқадимдан мўъжизакор хислатга эга бўлган ҳаёт омили — қонга бефарқ қаралмаган. Манбалардан шу нарса маълумки, ҳатто беморларни қон ичириш йўли билан даволашган. Айтишларига қараганда, Австралиядаги баъзи қабилалар орасида ҳозирга қадар бу усул сақланиб қолган. Бизнинг аждодларимиз орасида эса ҳайвонлар қони билан чўмилтириш одати мавжуд бўлган. «Қоннинг бузилиши», «ҳаром қон пайдо бўлиши» оқибатида юзага келадиган хасталикларда қон чиқариш йўли билан даволаш тавсия этиб келинган.

Илм-фан тараққий этган сари қон ҳақидаги ҳақиқатни билишга, унинг сир-синоатини очишга, инсон қонига нисбатан тўғри муносабатда бўлишга интилиш ортаверган. Ер юзидаги жамики одамзот борки, уларнинг ирқи, жинси, терисининг оқу қоралигидан қатъи назар, ҳаммасининг қони тўрт гуруҳга бўлинади. Ўтган асрнинг 90-йилларида австралиялик олим Карл Ландштейнер ва чех Ян Янскийлар қоннинг бир неча гуруҳга бўлинишини аниқлашган эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи мамлакатларда бу ишга қўл урганлар қаттиқ таъқиб остига олинганлар, ҳатто уларга нисбатан оғир жазолар қўлланилган. Испан олими Сервет кичик қон айланиш тизимини кашф этганлиги учун гулханда ёндирилган.

Бундан уч юз йил муқаддам француз жарроҳи Эмерец одамларга ҳайвон қонини қуйиш устида тажриба қилиб кўрганди. У шу мақсадда қўзи қонидан фойдаланган эди. Лекин қўзи қони қуйилган беморлар ниҳоятда оғирлашиб, аксарияти оламдан кўз юмишган. Бу тажриба шуни кўрсатдики, гарчи одам ва ҳайвон қони кўринишда ўхшаш бўлса-да, бироқ бир-бири билан уйғунлаша олмас экан. 1955 йилда Белитцер ва Катковалар кимёвий ишловдан ўтказилган қорамол қонидан тайёрланган БК-8 эритмасини ишлаб чиқдилар ва уни тиббиётда қўлланиш учун тавсия қилдилар. Шифокорлар қон ўрнини босувчи бу суюқликнинг шифобахш эканлигини қайд қилдилар.

1952 йилда чех олими Пелемке итлар устида қизиқарли тажрибалар ўтказди. У ит танасидаги деярли ҳамма қонни олиб (итда барча ҳаётий белгилар йўқолади), кейин артерия қон томирига махсус эритма юбора бошлади. Шундан кейин итга яна «жон» кириб тирилганди.

Яна бир мисол. Японияниг Кобе шаҳрида олимлар ғаройиб тажрибалар ўтказдилар. Мушукнинг танадан ажратилган бош мияси 203 кун мобайнида музлатиб қўйилди. Сўнг унга асбоблар ёрдамида қон юборилган эди, мия «тирилди».

Профессорлардан Брюхоненко ва Чечулинлар бошқа турдаги тажрибалар ўтказдилар. «Буян» деган итнинг бўйин томирини кесиб, қонини батамом чиқариб юборишди. Энди ит батамом ўлганди. Олти минутдан сўнг олимлар итнинг қонини ўзига қайта қуйдилар. Воажаб ит қайта тирилди!

«Кимнинг ҳаёти кимнингдир ўлимига боғлиқ» дейишади шифокорлар. Жумладан, олимлардан В. Н. Шамов билан С. С. Юдин вафот этган одамлар қонидан фойдаланишни таклиф этишганида аксарият жарроҳлар бунга тиш-тирноғи билан қарши чиқишган эдилар. Ваҳоланки, худди ана шу усул туфайли уруш пайтида минглаб жангчиларнинг ҳаёти сақлаб қолинган эди.

Ҳатто шунақаси ҳам учрайди. Тарихда узоқ умр кўриш борасида турли зарарли қарашлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, қадимги Римда кексалар ўлаётган ёш паҳлавон — гладиатор қонини ичишга ружу қўйишган. Ўзининг ахлоқсизлиги билан танилган Папа Иннокентий VIII чақалоқ қонини ичган, аммо у бу билан ёшариб қолмаган.

Энди икки оғиз «сунъий қон» хусусида. Флорида штатининг (АҚШ) Майами шаҳрида яшовчи Хозе Албела Калифорниядаги клиникага оғир аҳволда олиб келинди. Унинг ошқозон ярасидан қон оқиб турар, устига-устак юрак фаолияти ҳам сусайиб кетганди. Бемор шунчалик олис масофага боришга мажбур бўлганининг боиси — Флоридада уни операция қилишни ҳеч ким хоҳламади. Чунки Хозе Албела мансуб диний жамият аъзолари бошқа кишига тегишли қоннинг ҳатто бир томчисини қабул қилишдан ҳам қатъиян бош тортадилар.

Айни шу кезларда Японияниг бир фирма «сунъий қон» деб ном олган моддани кўплаб ишлаб чиқаришга киришганди. Бу янги модда ҳали тасдиқдан ҳам ўтмаганди. Хуллас, клиника раҳбарлари Албелага икки йўлдан бирини танлашни таклиф этишди. Ё таваккал қилиб, донор қонини қуймасдан операция ўтказиш ёки «сунъий қон» қуйиш керак. Бемор иккинчи йўлни танлади ва ... уч ойдан кейин соғайиб кетди.

— «Сунъий қон» термини, — деганди шу препаратни ишлаб чиқарувчи фирма президенти Т. Дриз, — худди «синтетик қон» ёки «бионик қон» терминлари сингари ноаниқ. Бу модда қоннинг ҳамма вазифаларини бажара олмайди. У фақат қоннинг биринчи вазифасини бажариш — ўпкадаги кислородни тананинг барча аъзоларига етказиб бериш ва карбонат ангидридни топиб, ўпкага олиб келиш учун мўлжалланган.

Баъзи олимлар оқиш-сут рангли бу суюқликнинг истиқболи катта, дейишмоқда. Айниқса, айрим моддалар кислород ва карбонат ангидридни яхши сингдира олиши маълум бўлгандан кейин «сунъий қон» яратишга интилиш янада кучайди. «Сунъий қон» таначалари табиий қон таначаларидан ўн марта майда экан. Шу хусусияти билан у қисман бекилиб ёки торайиб қолган қилтомирлар орқали кислород етишмовчилиги билан зарарланган тўқималарга осонликча кираверaркан.

Умуман, авлод-аждодларимиз қон қуйиш йўли билан фақат беморни даволашнигина эмас, балки умрни узайтириш, одамни ёшартириш ҳам мумкин деб ўйлашган. «Бир томчи қоннинг ўзиёқ одам танасининг ич-ичида нима бўлаётганини ўзида акс эттиради, деган эди академик И. А. Кассирский. — Шу туфайли кўп касалликларни олдиндан кўриш имконига эгамиз».

Ибн Сино таъбири билан айтганда, одам танасининг бирламчи шарбати — қон устида изланишлар бетиним давом этмоқда. Қирқинчи йилдан буён ўлкамизда қон касалликларининг туб сабабларини ўрганиш, янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти бошқариб келмоқда. Жойларда қон қуйиш бўйича катта қувватга эга бўлган станция ва бўлимларнинг тармоқлари вужудга келди. Бугунги кунда тиббиётнинг бирор соҳаси йўқки, у ерда беморни даволаш учун донор қони керак бўлмаса. Айниқса, жарроҳлик соҳасида қонга эҳтиёж кўпроқ сезилмоқда. Қарийб йигирма фоиз қон инсон ҳаётини сақлаш учун сарфланади. Инсонпарварлик ҳис-туйғулари тўлиб-тошган донорлар ўзгалар ҳаётини сақлаш учун вақти-вақти билан қон қуйиш станциялари ва бўлимларига бориб туришлари қувонарли ҳол.

Яқин-яқинларгача қонни сақлаш муддати ўттиз-қирқ кун билан кифояланарди. Эндиликда олимлар бу муддатни янада чўзиш мумкинлигини исботладилар. Шу мақсадда қон ниҳоятда паст ҳароратда музлатиб қўйилади. Мазкур илм масканида «эҳтиёт қисм»лар — қон ва суяк илигини узоқ муддат сақлаш бўлими, яъни банк бўлими ташкил этилган. «Космик ҳарорат»да қон тўқималари ва суяк илигини бир неча йил мобайнида сақлаб туриш мумкин.

Агар ҳар дақиқада одам танасида олти миллион янги қон таначалари пайдо бўлиб, шунча «эски» («қари»)си ўлиб туришини, танада доимий янгиланиш юз беришини назарда тутадиган бўлсак, инсон ҳаёти учун ҳаводек зарур бўлиб турадиган «эҳтиёт қисмлар» истаган чоғда бизни қўллаб-қувватлаб юборишига катта умид боғласак бўлади.

Таниқли олима, профессор Нозима Деҳқонхўжаева ҳозирги пайтда қондан кўплаб касалликлар топилаётганини ташвиш билан гапириб берди:

— Шулардан бири, — деди у, — ўлкамизда кенг тарқалган замбуруғ касаллигидир. У шундай бир «муттаҳам» дард эканки, ҳар бир қон таначаси ичига ўтириб, ўз-ўзидан кўпайиб, қонни ичдан емириб боради. Бу хасталик кўпайиб боряптики, ҳар бир учинчи бола, ҳар бир ўнинчи катта одам унга дучор бўляпти. Касаллик қирқ икки хил шаклда ўтади. Мен йигирма йилдан бери шу дардни ўрганиб келаман. Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун бизга соғлом халқ, соғлом ёш авлод керак. Мен айтаётган касаллик миллатимиз ирсияти билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу масалага жиддий эътибор беришимиз керак!..

Ҳа, бир томчи қондаги ана шу замбуруғнинг қанчалик хавфли эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Демак, қон касалликларига турли соҳа мутахассисларининг ҳамкор бўлиб курашишини ҳаёт тақозо этаётир.

Миршароф МУҲСИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан журналист.



УМР — МИСОЛИ ЭРТАК...

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАРИ

БЕРН. Швейцарияда ўтказилган халқаро анжуманда Исроил Бош вазирининг шахсий вакили Залман Шовал Исроил барча мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни ривожлантириш тарафдори эканини маълум қилди.

З. Шовал Яқин Шарқдаги вазиятга тўхталар экан, Исроил минтақадаги муаммоларни тезроқ бартараф этиш тарафдори эканини айтди. Унинг фикрича, Исроил янги ҳукумати Яқин Шарқдаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги музокараларни давом эттиришга ва Сурия билан муносабатларни яхшилашга тайёр. Бунинг учун томонлар олдиндан ҳеч қандай шартларни илгари сурмасликлари керак, деди З. Шовал.

ВАЗИЯТ ҲАМ ХАВФЛИ

БОННН. Германия Федератив Республикаси оммавий ахборот воситалари диққат-эътибори Россия Федерациясида сўнгги кунларда содир бўлаётган воқеаларга қаратилган.

«Вельт» газетасининг ёзишича, гарчанд Президент Борис Ельцин ўз вақтида жиловлаган бўлса-да, Россияда навбатдаги, янги давлат тўнтарилиши хавфи тўла бартараф этилгани йўқ. Ўз вазифасидан озод этилган собиқ раҳбарлар, хусусан, ҳарбий раҳбарлар ҳукумат тепасига қайтиш йўлидаги сўнгги имкониятини бой бергани йўқ. Чунки, улар ҳар доим Россия Президенти атрофидаги энг эътиборли сиёсий кучлар бўлган.

Бу раҳбарларнинг ҳукуматдан четлатилгани Россиядаги демократик ўзгаришлар жараёни ва мамлакатнинг бозор иқтисодиёти йўлидан тўғри кетишига кенг йўл очди. Бироқ, улар ўрнига ўз вазифасини суиистеъмол қиладиган, порахўр раҳбарлар келишига ҳеч ким кафолат бера олмайди, деб ёзилади ушбу мавзуга бағишланган мақолада.

ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ

ДЕҲЛИ. Ядро синовларини тақиқлаш ҳақидаги халқаро шартнома мамлакат миллий хавфсизлиги талабларига жавоб бермагани боис, Ҳиндистон уни имзолашдан воз кечади, деб баёнот берди Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги котиби Салмон Ҳайдар.

Салмон Ҳайдар журналистлар билан учрашувда, яқин кунлар ичида Женевада имзоланиши кутилаётган ядро синовларини тақиқлаш ҳақидаги халқаро шартнома «Ҳиндистон каби мамлакатлар ҳуқуқини камситишдан бошқа нарса эмас», деб таъкидлади. Унинг фикрича, ядро қуролига эга беш мамлакатда мазкур қуролни замонавийлаштириш борасида кенг ишлар олиб борилмоқда.

Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, Ҳиндистон ҳукуматининг бундай хатти-ҳаракатлари қўшни давлатлар, жумладан, Покистоннинг мазкур шартномани имзолаш ҳақидаги қарорининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

ВАЗИЯТНИ ТЎҒРИ ТУШУНДИ

Оқ уй матбуот котиби Майкл Мак Кэрри журналистлар билан учрашувда Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 8 мамлакат раҳбарлари билан Лион шаҳридаги учрашувда қатнашишдан воз кечганлигини АҚШ Президенти Билл Клинтон тўла тушунганлигини айтди. Зеро, Россияда Президент сайловларининг иккинчи босқичи яқинлашиб келмоқда, деди у. Билл Клинтон Борис Ельциннинг сайлов арафасида Россия халқи билан бирга бўлиш, яна қайта сайланиш нияти борлигини тўла ҳис этади, деб таъкидлади.

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШМОҚЧИ

Шимон Перес раҳбарлигидаги Исроил Меҳнат партияси 29 май куни бўлиб ўтган сайлов натижаларини бекор қилишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу партия вакиллари 42 мингдан зиёд сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас, деб эълон қилинишини талаб этишаётир. Маълумки, Ш. Перес эса ўтган сайловда ўз рақиби Нетаньяхуга 30 минг овоз камлиги туфайли ютқизиб қўйганди.

АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари муқаддимасида «Ўзбекистон овози», 1992 йил, февраль

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ИЛК ТАШРИФИ

Буюк ҳакам — Вақт тарозусининг паллалари қалқиб турган 90-йиллар бошлари эди. Миллатимизнинг асрий орзуси Истиқлол қуртаклари ниш уриб турган нозик палла. Газета ижодий жамоаси нашр номини ўзгартиришга жазм этди. Бироқ собиқ марказқўмдаги мафкура жиловини тутиб турган айрим арбоблар «Совет Ўзбекистони» номини ўзгартиришга шошилмасликни «қатъий маслаҳат» беришарди. Лекин бу масалани Президентимиз ўзлари дадил ҳал этдилар: АҚШда «Америка овози» радиоси борми? Бор! Газетамиз «Ўзбекистон овози» бўлади! Тамом, вассалом!

Мустақил давлатимизни жаҳоннинг асосий йирик давлатлари 1991 йил ўзидаёқ тан олди. Кўп ўтмай Ўзбекистонга АҚШнинг ўша пайтдаги Давлат котиби Ж. Бейкер расмий ташриф билан келадиган бўлди. Ташриф дам олиш кунларига, шанба ва якшанбага тўғри келди. Воқеани ёритиш учун мамлакат газеталари орасида «Ўзбекистон овози»дам олиш куни ҳам ишлайдиган бўлди.

Шанба куни кечқурун АҚШ Давлат котиби Тошкентга етиб келди. Якшанба эрталаб Президент девонида ўзбек ва хориж журналистлари йиғилди. Улар орасида «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари, ушбу сатрлар муаллифи ва суратчи Владимир Молгачев бор эдилар. Ҳадемай олий мартабали Меҳмон билан давлатимиз раҳбарининг яккама-якка суҳбати бошланиши керак. Фақат суратга олиш учун қисқа вақт берилганини эълон қилишди. Суратқашимиз Владимир Молгачев мамнун жилмайди: «Улгураман».

Аммо биттагина савол бериб бир калима жавоб эшитиш илинжида келган қаламкаш журналистларчи? Шу масала атрофида бошланган гала-ғовур бирдан тинди: коридор бошида Ислом Каримов ҳамроҳлигида Жеймс Бейкер пайдо бўлди. Теле ва фото камераларнинг шиғирлаши бошланди. Узаро суҳбатлашиб келаётган Меҳмон ва Мезбоннинг ҳар қадами тарих тасмаларига муҳрланарди. Мана, улар соқчилар тортган нозик лента олдида тўхташди. Матбуот учун берилган Вақтнинг лаҳзама-лаҳза камайиши бошланди. Бир, икки, уч, тўрт... Йўқ, «Ўзбекистон овози» мухбири чидамади:

— Жаноб Давлат котиби!

Маром бузилди. Америкалик Меҳмон бир овоз чиққан томонга қаради, бир Мезбонга.

— Сафардан мақсадингиз?

Шунда бошқалар ҳам «Ўзбекистон овози» мухбирининг саволини ҳар ким ўз тилида такрорладилар. Бир қадам ортда турган тилмоч Меҳмонга яқинлашиб Саволни таржима қилди. АҚШ Давлат котиби саволимизга жавоб бера бошлади. Энди олдиндан белгиланган вақт ҳамманинг ёдидан чиқиб, бутун эътибор Меҳмон нинг сўзларини тинглаб ёзиб олишга қаратилган эди. Мен диктофоннинг тугмасини босиб қуйдим. Протоколчилардан бири секин елкамга туртиб, норози оҳангда «етти минутни еди нглар», деб тўнгиллаб қўйди.

Мен бир томондан ўлкан тарихий воқеа шоҳиди бўлганимдан қувонсам, бошқа тарафдан инглизча билмаганимга минг бор ўкиндим. Редакцияга қайтиб келсам, бош муҳаррримиз юпатдилар:

— Ҳозир Абдузуҳурни топамиз, ёрдам сураймиз.

Хайрият, Тошкент давлат университети профессори Абдузуҳур Абдуазизов уйларида экан, тезда ўз машинасида редакцияга етиб келди. Қувват манбаси озайиб қолган диктофонни қулоғига тутиб АҚШ Давлат котибининг сўзларини ўзбекчада қоғозга тушира бошлади. Профессор иттимосимизга кўра инглизчада қутлов сўзларини ёзиб берди.

«Хуш келибсиз Жемс Бейкер жаноблари!

Ташрифингиздан хурсандмиз!

Эзгу тилакларимизни Президент Бушга етказинг!»

Бу қутлов сатрлари газетанинг 17 февраль душанба кунги сони биринчи саҳифасида узбек ва инглиз тилларида босилиб чиқди.

Кечки пайт Ж. Бейкер ва унинг ҳамроҳлари самолётда Самарқандни зиёрат қилдилар, Кузатувчилар орасида газетамиз суратқаши бўлишига рухсат олдик. Кечқурун соат олтилар чамаси «Тошкент-2» тайёрагоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва АҚШ Давлат котиби Жеймс Бейкернинг журналистлар учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

АҚШ Давлат котибининг Ўзбекистонда бўлишини «Ўзбекистон овози» ўз махсус мухбирлари материаллари асосида ёритди. «Оламшумул тарихий воқеа» сарлавҳаси остида ташрифнинг биринчи ва иккинчи кунлари ҳақида ҳикоя қилинди.

1992 йилнинг февралида ўтган юқори даражадаги шу ташриф билан бошланган АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Нью-Йоркка БМТ Бош ассамблеяси мажлисларига борган чоғларида, АҚШ ҳукумати аъзолари, вазирларининг мамлакатимизга расмий сафарлари асосида ривожланмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига бошланган сафари икки томонлама иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тараққиётида унутилмас қадам бўлиши, шубҳасиздир.

Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

Франция ташқи ишлар вазири Эрве де Шаретт сенатда Буюк Британия қорамол гўштини бошқа мамлакатларга чиқариш тақиқланганига Франция қандай муносабатда эканини баён қила туриб, биз французлар ва европаликларнинг соғлиги эвазига савдо қилмоқчи эмасмиз, деди.

У Флоренцияда бўлиб ўтажак Европа Кенгашида Европа Иттифоқи давлатлари ҳал қилиши керак бўлган масалалардан бири ушбу муаммонинг ечимини топиш эканини таъкидлади.

***

АҚШ Конгресси сенати Алан Гринспэннинг федерал заҳира тизими бошқарувчилар кенгаши раиси лавозимига сайланганини тасдиқлади.

Федерал заҳира тизими бошқарувчилар кенгаши мамлакатда марказий банк ролини бажаради.

70 ёшли Алан Гринспэн учинчи бора ушбу лавозимни эгаллади ва 2000 йилга қадар шу ўринда ишлайди.

***

Ирландия Республикачилар армияси Англиянинг Манчестер шаҳрида йирик бомба портлатишини ўз зиммасига олди. Бу портлатиш натижасида ўтган шанба куни 206 киши жабр кўрганди.

***

Индонезияда Осиё Тинч океани мамлакатларининг катта йиғини ўтказиладиган бўлди. Бу конферен-цияда бахтсиз ҳодисалар ва табиий офатлар пайтида аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш масалалари муҳокама қилинади. Ушбу конференция шу йилнинг октябрь ойида Бали шаҳрида ўтказилади.

***

Исроилнинг шимолида яшайдиган 18 ёшли мактаб битирувчиси 3,5 миллион шекел (1 миллион доллардан зиёд) ютиб олди. У 16 шекел пул тўлаб лотерея билети сотиб олган эди. Мана буни етуклик аттестати олиш маросимига муносиб совға, деса бўлади.

Аломат гаплар

ҚОЧА БИЛСАНГ КУЁВ БЎЛАСАН

Ҳинд уммонининг Мальдев архипелаги таркибига кирувчи Илаху оролида ғаройиб анъана мавжуд, яъни йигит уйланмоқчи бўлса, кўз остига олиб қўйган қизининг уйига катта совға-саломлар билан боради. Уй остонасида уни қизнинг онаси кутиб олади ва уй ичида она билан куёв ўртасида музокаралар бошланади. Агар никоҳ масаласи ижобий ҳал этилса, қайнона куёвнинг чап елкасига оҳиста уриб қўяди. Шундан сўнг куёвнинг «ғазабдан қутулиш учун» тарвақайлаб қочиши бошланади. Уни қизнинг опа-сингилларидан бири жон ҳолатда қувлаши керак ва иложи борича кўпроқ савалаши лозим. Агар йигит қочиб қутулса, ҳай-ҳай, бироқ тутулиб қолса ҳолига вой — ростакамига дўппосланади ва охир оқибатда бўлажак келин томондан рад жавобини олади. Аммо олиб келган совға-саломи қайтариб берилмайди.

АМУНДСЕН ПИЧОҒИ ҲАМ БОР

Германиянинг Ашаффенбург шаҳрида яшовчи Август Терстен деган одам неча йиллардан бери консерва банкаларини очадиган пичоқларни йиғиб юради. Ҳозир унинг тўпламида 300 га яқин шундай пичоқлар жамланган. Улар орасида ҳатто америкалик қутб тадқиқотчилари Роберт Пири ва Руаль Амундсен, франциялик таниқли сайёҳ Ш. А. Бразза фойдаланган консерва пичоқлари ҳам бор. Шунингдек, акула тишларидан ясалгани ҳам, тоғ биллуридан ясалганлари ҳам коллекциядан ўрин олган. Терстен уларни Гавай оролларидан, яна аллақаёқлардандир олиб келган.

СЕВГИ ЭСА ЖАВОБСИЗ ҚОЛДИ

Нижегород шаҳридаги илонга муҳаббат қўйганлар ўзига хос жазо олабошлади. Уларнинг кўпчилиги шаҳардаги касалхоналарнинг токсикология бўлимларига ётқизилди.

Семиглазовлар оиласи илондан қўрқиш у ёқда турсин уларни йиғиб келаётир. Бу албатта қимматга тушадиган ҳаловат. Масалан, ярим метрли илон 20-25 дона сичқон ейди. Сичқоннинг нархи эса бу ерларда ошиб кетди. Илон ишқибозлари ҳар бир сичқонга 5 минг рублдан тўлашаётир. Семиглазовлар эса ўзлари тўплаган илонлар турларидан кўргазма ташкил этишди. Уларнинг нияти табиатнинг мана шу сирли мўъжизасига нисбатан нижегородликларнинг муносабатини ўзгартириш.

Китоб жавонингизга

ЎЗБЕКНИНГ ТАБАССУМЛИ ОЛИМИ

Ёз кунларининг бирида кечқурун Содиқ отанинг боғига ўтиб қолган кўшнининг ўригидан дўпписини тўлдириб олиб, токчага қўйган Обиджон эрталабки нонуштада дастурхонга ўрикни тўкди-да, дўпписини қайта кийиб олди. Шунда кутилмаган воқеа рўй берди — ўриклар тагига беркиниб олган чаён дўппидан чиқиб кета олмай боланинг бошига ниш урди. Обид бошидан дўппини олди-ю, оғриқдан додлаб юборди. Катта чаённи кўрган Ҳалима опанинг юраги қинидан чиқиб кетай деди. Воқеадан хабар топган Содиқ ота ўғлига тезликда қатиқ ичириб, бошига қандайдир ўтлардан эзиб тайёрланган суюқликни сурди. Шундан кейин Обиджон ухлаб қолди. Ўзига келиб кўзини очганда ҳамма тепасида ўтирганини кўрди. Шунда отаси:

— Энди ўғлинг ўлмайди, онаси, хавотир олма, унинг боши яхши ишлайдиган олим бўлади, — деди-ю кўз ёшларини сездирмаслик учун ташқарига чиқиб кетди.

Вақт ўтиб бу аянчли ҳодиса бўлажак олим ҳаётида катта из қолдирди. У чақағон ўт сирлари нимада эканини билишни истади. Қоракурт заҳари инсон учун ўлимга тенглиги, лекин қўйлар уни еб юбориши ва бундан зарар кўрмаслиги сабабларини қидира бошлади. Бундай жонзотлар ҳаёт тарзи, чаққанда сочадиган заҳар моддасининг таркибини ўрганишни орзу қилди. «Орзуга айб йўқ» деганларидек, орадан ярим аср ўтар-ўтмас Обид Содиқов Совет Иттифоқидек мамлакатнинг йирик олимларидан бири бўлиб етишди. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида Биоорганик кимё институтини ташкил этиб, бу илмий даргоҳ лабораторияларида ўзини ёшликдан қизиқтирган муаммолар устида ишлади.

«Фанда тер тўкиб ишлашдан бошқа йўл йўқ: на шижоат, на хаёл, на интилиш меҳнатнинг ўрнини боса олади», деган эди доналардан бири. Кимё фанлари доктори, профессор Қудрат Аҳмеровнинг «Фанимиз фидойиси» номли мўъжазгина рисоласи билан танишсангиз бу фикр гўё унинг қаҳрамони — мамлакатимизнинг машҳур олими, академик Обид Содиқовнинг илмий изланишлари, фанни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида айтилгандек туюлади.

Рисола муаллифи қаҳрамони билан кўп марта ҳамсуҳбат бўлган. Унинг ўгит, маслаҳатлари, панд-насиҳатларига қулоқ тутган. Ҳазил-мутойибаларисиз ҳам устозининг юзидаги доимий табассумидан баҳраманд бўлган.

Зеро, ўзбекнинг Обид Содиқовдек фидойи, табассумли олими ҳақида ҳар қанча ёзсак, гапирсак адоғи йўқдек.

Умида ФАЙЗИЕВА.

ҲАММА ТЎЙГА!

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи Ж. ИСКАНДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 30414 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0302

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди — 21.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲУСН ТЎЙДА КЕРАК...

Бир кам дунё

Унинг қадди-қомати келишган. Шоирлар таърифлаганидек, тиниқ юзлари, қоп-қора қуюқ сочлари, камон қошлари, найза ўқидек киприклари кимни кўзласа шу заҳотиёқ ўзини асирига айлантира оларди. Нозланиб гапирганда ҳар қандай одамни эсанкиратиб қўярди. Буни қарангки, худо унга кўш қўллаб бергандай жуда одобли ҳам эди. Шунинг учун бўлса керак, у ўн еттига тўлмасиданоқ эшикларидан совчилар аримай қолди. Онаси уларга: «Адаси биладилар» деса, адаси эса: «Қизимиз ҳали ёш, уни ўқитмоқчимиз» деган жавобни қиларди. Фазилат бу гап-сўзларни эшитиб ўзини қўярга жой тополмасди.

Шундай кунларнинг бирида яна совчилар келди. Улар Саломатхон опа билан сўрашиб бўлгач, зимдан ҳовлига разм солишди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, сувлар сепилган. Шу пайт Фазилат чой олиб кирди, ийманиб салом берди. У чойни, иримига кўра, 3 марта қайтарди. Меҳмонларга узатди. Сўридан тушиб ошхонага кириб кетди. Совчилар бир пиёладан чой ичишгач, мақсадга кўчиб, қуёв бўлмишни мақтай кетишди:

— Ўзи ўқимишли, айланай, инженерликка ўқиган, — деди холаси. — Тагида машинаси, данғиллама ховли-жой, қўлида қизил дипломи бор.

— Қизингизни ўғлим бир кўрганда яхши кўриб қолибди, — деди онаси.

— Саломатхон, қизингизни бersангиз Ғайратжондек йигитга берасиз-да, айланай, — дейди учинчиси паст келмай.

Одатдагидек, совчилар эски жавобни олдилар. Уч ой ўтар-ўтмас эшикдан яна уч аёл кириб келишди. Улар ҳам куёв тўрани оғзига сиққанича мақтай кетишди. Ишбилармон, бизнесмен, дейишди.

Саломат опа:

— Қаерда ишлайдилар?

— Отчопарда, — деди аёл. — Ҳар кунига жарақ-жарақ пул топади. Любой ўқиганни ўқитади. Дипломларни нечтасини сотиб олади. Обрўси ҳам ўзига яраша.

Саломатхон уларга «Ҳали қизимиз ёш» деган жавобни айтди.

Энди ғапни қиздан эшитинг. Фазилат синфдоши Шоҳрўҳни севарди. Ҳеч кимга гап бермайдиган қиз, унинг олдида тили калимага келмай қоларди. Шоҳрўҳкон эса бундан бехабар. Чунки синфдоши-да.

«Шоҳрўҳ, мен сени севаман», десинми... йўқ, йўқ у бундай қилолмайди. Ҳа, айтдиям дейлик, кейин нима бўлади. Шоҳрўҳ уйида энг катта бўлганиданми, ҳавас билан Фазилатнинг яқин дугонасига уйлантириб қўйишди. Тўй куни Фазилат ухлай олмади. Фазилат Шоҳрўҳни ўйларди. Наҳотки, наҳотки Наргиз, мен Шоҳрўҳни севишимни била туриб, розилик берди. Наргиз билан бўлган суҳбатларини эслади.

— Фази, нима деб ўйлайсан, сенинг тўйинг биринчи бўлармикин, меникими-а?

— Билмасам...

— Сенингча, куёв бой бўлгани яхшими, камбағалми?

— Ҳар ҳолда ўртачаси яхши-да, дугонажон.

— Фази, сенга қанақа йигитлар ёқади?

— Шоҳрўҳга ўхшаш.

— Севганинг борми?

— Ҳа.

— Ким у? Билсак бўладими?

— Шоҳрўҳ.

Энди унга ҳаммаси барибир эди. Сергап, шўх, қувноқ қиз бир зумда маъюс бўлди-қолди.

Фазилат ҳам йигирма иккига чиқди. Ҳар йили ўқишга киришга интилди, аммо омади юришмади. Ўқишдан ҳам кўнгли қолди. Унинг кетидан юрган йигитлар сони кўпайди. Лекин барига ҳам «тегаман» демасдан ялло қилиб юраверди.

Турмушга чиқсанг, бўлғуси куёвинг арзигудек бўлса-да. Дугоналаринг кўриб, сенга ҳавас қилишса...

Бир куни Фазилат, яна бир йигит билан танишиб қолди. Иккаласи ҳар куни битта жойда учрашадиган, узоқ гаплашиб юрадиган бўлишди.

Йигит Фазилатга фақат ширин гаплар гапирарди. Унинг қоп-қора қошлари, ширин гап-сўзлари ёқади, шекилли, унга ўрганиб қолди.

Одатдагидек, эски жойга чиқди. Йигит ҳадеганда келавермади. Икки кун чиқди, йигитдан дарак йўқ. Суриштириб билса, у уйланган, ҳатто икки ўғилчаниг отаси ҳам экан. Ундан тақдир яна юз ўгирди.

Шу тариқа Фазилат умуман севгига, йигитларнинг тили бурро бўлиб дил изҳорларига ишонмай қўйди. Аммо қариқиз, деган ном уни қийнарди. Ниҳоят унинг бахти очилди. Оиласидан ажрашган Акмалжонга турмушга чиқди.

Оллоҳнинг марҳамати кенг экан, унга ҳам бир эмас, икки ўғил насиб қилди.

Энди у ҳақиқий муҳаббат, севикли ёр ва фарзанди билан боғлиқлигини яхши билади. Демак, гап чиройда эмас экан.

Феруза КАРИМОВА.

СУВОН ОТА ҚОЛДИРГАН ИЗЛАР

Хотира

Боласи биринчи қадамини ташлаганда онаси дуо қилар эди:

— Босган изларинг яхшиликка хизмат қилсин. Қадамингдан гул униб, сендан яхши ном қолсин.

Агар ўша ақиданинг ростга айланганлигини билмоқ бўлсак, Сувон ака қолдирган изларнинг қайсиларидан яхшилик иси келади, қайсилари унинг ажойиб ишларидан огоҳ беради?

Ўзи ким Сувон ака?

Бу гулшан ичра йўқдур, бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, қолса яхшилик бирла от.

Сувон отанинг ҳаёт йўли гўё ана шу мисраларга йўғрилгандек. У киши Қўшработ аталмиш тоғли юртнинг суюкли фарзанди эди. Шунинг учун ҳам ўзини севган, ҳурмат қилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини юксалтириш ишида катта хизматлар қилган. Энг қийин, оғир дамларда раҳбар бўлиб, умрини эзгу ишларга сарфлай олган инсон эди.

Сувон ота 1922 йили туманнинг Юқори Сарой қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ҳарбий хизматда бўлиб, урушдан ногирон бўлиб қайтади. Урушдан кейин қишлоқ кенгашида котиб бўлиб ишлай бошлайди. Кейинчалик Юқори Сарой қишлоқ кенгашига раис бўлди.

Оғир йиллар эди. Уруш ортидаги қийинчиликлар олис тоғли туманда, чекка қишлоқларда ўз ҳукмини янада зўрроқ ўтказаётган йиллар. Халқ билан бирга туриб меҳнат қилиш, уларнинг кўнглини кўтариш, оғирини енгиллатишга интилиш, елкама-елка туриб қийинчиликларни бирга кўтариш раҳбарнинг бурчи эди. Эҳ-ҳе, бу бош нималарни кўрмаган, деб сўзлашади ўша йилларни эслаб кексалар. Тўғри. Урушдан кейинги тикланиш йилларини ким билмайди. Ўша йиллари Сувон ота Ворошилов (ҳозирги «Зарминтан» жамоа хўжалиги) номли колхозга раис бўлди. У кишининг раҳбарлиги остида колхоз ўнгланди. Экин майдонлари кенгайтирилди, чорва, боғдорчилик ривожланди. Раҳбарнинг уддабуронлиги, топқирлиги — ишнинг самараси бўлди.

Бугун кексалик гаштини сураётган оқсоқоллар ҳам у даврларни яхши эслашади. Ота кимгадир яхшилик қилган, меҳрли сўзини аямаган. Шунинг учун ҳам у кишининг номини қишлоқдошлар ҳурмат билан тилга олишади.

Умри давомида инсонларга яхшилик қилган, халқ хизматида бўлган Сувон Эшатовнинг хизматлари муносиб тақдирланган.

Эзгуликнинг чегараси бўлмайди. Отаси яхшиликка хизмат қилганларнинг фарзандлари ҳам шу йўлдан боришади. Излар ёнма-ён босилади. Сувон отанинг орзуси диёримизни иқтисодий бақувват, халқни фаровон кўриш эди. Бугун бу йўлда у кишининг шогирдлари, фарзандлари меҳнат қилишмоқда. Тўнғич фарзанди Марди Сувонов Самарқанд тиббиёт институтида кафедра мудири, Анваржон ҳам туман халқининг суянган шифокорларидан. Акмалжон вилоят молия бошқармасида хизмат қилади.

Сувон отанинг ҳаёт йўлини кузатиб дегингиз келади: онасининг дуолари ижобат топибди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, журналист.

Спорт

Олий лига ўйинлари

ДОВОННИ КЎЗЛАБ

Олий лига жамоалари қисқа танаффусдан кейин футбол чемпионатининг 11-тур ўйинларини ўтказишди. Бу сафар «Пахтакор» — «Нефтчи» учрашуви мухлисларни қизиқтирган ўйинлардан бири бўлди. Томонлар дарвозаларга биттадан тўп киритишди. Навбаҳорчилар эса ягона пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашди. Улар «Косонсой» майдонида ғалаба (2:0) қозониб очколарини 29 тага етказди. МҲСК ҳисобида 25 та очко бор. «Нурафшон», «Нефтчи» жамоалари 23 тадан очко тўплашган.

Европа футбол чемпионати

МАНЗИЛ КЎРИНИБ ҚОЛДИ

Англия шаҳарларида ўтказилаётган футбол байрами тобора авжга чиқмоқда. Гуруҳларда ўтказилган саралаш учрашувларидан кейин чорак финалчиларнинг аниқланиши ва иккинчи давра ўйинларини бошланиши муросасиз учрашувлар олдинда эканидан нишона эди. Дарҳақиқат, чорак финал учрашувларидан бошлаб дуранг ҳисоблар инобатга олинмайди, ютқазган ўйиндан чиқаверади. Ўттан дам олиш кунлари бўлиб ўттан тўртта учрашувда ишқибозлар ўзига хос футбол спектаклларини шоҳиди бўлдилар. Хусусан, Англия — Испания, Франция — Голландия учрашувларида асосий ва қўшимча вақтда ҳам ҳисоб очилмади. Ҳар иккала ўйиннинг тақдирини 11 метрли жарима тўплари ҳал қилди. Инглизлар 4:2, французлар эса 5:4 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалга йўлланма олдилар.

Оврўпа чемпионатини бошқараётган ҳакамлар одил ва холис хизмат қилишяпти, деган гаплар тарқалган. Зеро, учрашувларни зимдан кузаттан синчков мухлислар ҳакамлар ҳам киши билмас ён босишга йўл қўйишаётганини илғашмоқда. Хусусан, Германия — Хорватия учрашувида кимдир қўл билан ўйнаб қўйди баҳонасида 11 метрли жарима белгиланиб, немис футболчиларини ҳисоб очишларига йўл берилди. Лекин бу ўйинда ташаббус, ҳужумкорлик, аниқ ва тиниқ ҳаракат қилишлар ҳам хорватлар томонидан бўлди. Германия ўйинчилари аксинча қўпол ўйнашди. Бу хорватларни асабийлаштирди. Оқибатда, бир ўйинчи майдондан чиқариб юборилди. 10 киши бўлиб ўйнашга тўғри келди. Шунга қарамай, ҳисоб тенглаштирилди. Учрашувнинг иккинчи қисми, 16-минутида ўйиндан ташқари ҳолат эканига қарамай, швед ҳаками немислар киритган тўпни ҳисобга тўғри, деб кўя қолди. 2:1 ҳисоби Германия жамоасига ғалаба келтирди. Чехия-Португалия учрашувида эса 1:0 ҳисоби қайд этилди.

Шундай қилиб эртага бўладиган ярим финал ўйинларида Англия — Германия, Франция — Чехия жамоалари майдонга тушадиган бўлишди.

Олимпиада 100 йиллиги

ЮГУРГАН ЕТАР МУРОДГА

Ўтган дам олиш куни пойтахтимизда ўзига хос спорт байрами ўтказилди. Замонавий олимпиада ҳаракатининг 100 йиллигига бағишланган югуриш мусобақаси кўпчиликда яхши таассурот уйғотди. Мустақиллик майдонида 1200 нафардан кўпроқ югурувчи саф тортди. Улар мамлакатимиз турли шаҳар-қишлоқларидан келган югуриш ихлосмандлари эди. Гуруҳларга бўлинган югурувчилар шаҳар кўчалари бўйлаб марра сари интилдилар. Ёши улуғлар гуруҳида 80 ёшли Владимир Батуевнинг марра чизиғини босиб ўтиши айниқса ҳаяжонли кечди. Қолган гуруҳларда эса Аъзам Алиев, Ирина Матросова, Абдуваҳоб Низомов, Ҳасан Раҳимовлар ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. Мусобақага «Кока-Кола» фирмаси ҳомийлик қилди. Ғолибларга мукофотларни миллий олимпиада қўмитаси президенти С. Рўзиев билан Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов топширдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

АЖАЛФУРУШ ҚИСМАТИ

Соат 24.00
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент Шимолий темир йўл вокзалида ички ишлар ходимлари томонидан ушланган молдовалик меҳмоннинг ранг-рўйи оқариб кетди. Сорока шаҳрининг Фадеев кўчасида яшовчи қирчиллама қирқ ёшли бу «амаки» ажалфурушлик билан шуғулланар экан. Унинг ёнидан топилган 1 килодан зиёд қорадори моддаси бунинг далили эди. Ажал уруғи бу гал унинг ўзини панжара ортига етаклаб кетди. Ўзича қорадори сотиб, давлат топишни истаган, бу кишининг бадбахт бўлишига унинг баднафси сабаб бўлди, дейишмоқда транспорт ички ишлар бўлими ходимлари.

БУ ГАЛ ЁР — ЁР АЙТИЛМАДИ

Оҳангарон туманида аянчли воқеа содир бўлди. Бир вақтлар жуфти ҳалолини ёр-ёру куй қўшиқлар остида олиб кетган ўртачирчиқлик, муқаддам судланган Булоқбоев, бу гал собиқ қайнонанинг уйини азага айлантириб, кўпларни бўзлатиб кетди. Шишадаги оқ шайтоннинг васвасасига учиб, хотинини қидириб келдию, ўқитувчи бўлиб ишловчи умр йўлдоши билан жанжал кўтарди. Сўнгра хотини ва қизини таёқлаб уриб ўлдириб қўйди.

Ёмон эрнинг касофатидан ажралиб қутиламанми деган, аёл ниҳоят бу дунёни тарк этиб «қутилди». Афсус, эрхотин уруши дока рўмолнинг эмас, бир бегуноҳ қизчанинг ва жуфти ҳалолнинг умри билан барҳам топди. Қотил ота энди қилмишига яраша жазо олади.

БИРОВНИНГ БЎЙНИГА СИРТМОҚ СОЛМОҚЧИ ЭДИЛАР

Олмалиқ шаҳрида муқаддам судланган Рупачев ва шу ерлик Асаиновлар бир «ас» ишга қўл урмоқчи эди, бўлмади. Улар «Пискент» жамоа хўжалигида яшовчи Расуловнинг машинасига ўтириб, ўзлари яшайдиган кичик туманга етиб олишди ва шу ерга келганда хурмача қилиқларини бошладилар. Беминнат хизматга тухмат қабилида иш тутган бу икки шоввоз қабиҳ ниятини амалга ошириш учун ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ солишмоқчи бўлганди. Иш чапасига айланиб, сиртмоқ ҳам айланиб кетиб ўзларининг қўлига тушиб қолса бўладими.

Автомашинани тортиб олмоқчи бўлган бу зўравонлар энди қилмишларига яраша жазо тортадиган бўлишди.

ВАННАДАН ТОПИЛГАН ЖАСАД

Навоий шаҳридаги Металлургия заводи ишчиси салкам 50 ёшни урриб кўйган Полдушикинанинг жасади ўз уйининг ваннахонасидан топилди. Бошига тўмтоқ жисм билан уриб ўлдирилган бу аёлнинг қотилини топиш осон бўлмади. Тезкор чора-тадбирлардан сўнг унинг қотиллари ўзи билан бирга ишловчи И. Камцов ва «Навоиазот» заводи ишчиси Якимолар эканлиги аниқланиб ушланди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, ИИВ матбуот маркази ходими.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги 11-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Гулчеҳра АЛЛАМУРОДОВА номига берилган А-273866 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги Э. Қаҳҳоров номли ширкатлар уюшмаси томонидан 1996 йил 13 июнь куни берилган № 332, №334, № 335 ишонч варақалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон РФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси мазкур Институт директорининг илмий ишлар бўйича собиқ муовини фалсафа фанлари доктори, профессор

Ойсара Пардаевна УМУРЗОҚОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

САВДО ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!

"ЎЗЭЛЕКТРАСБОБСАВДО" ва "ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО" ҳиссадорлик жамиятлари шу йилнинг 25-27 июнида

3000 дан ортиқ турдаги электротехник асбоб-ускуналари, кабель сим ва халқ истеъмоли маҳсулотларининг **САВДО ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ.**

Мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар барча давлат ташкилотлари, вазирликлар, кичик корхоналар, фермерлик хўжаликларини **Савдо ярмаркасига таклиф этамиз.**

Ярмаркада маҳсулотлар устама нархи 50 фоизгача арзонлаштирилган баҳода сотилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7-уй.

ЯРМАРКА ҚЎМИТАСИ.

КОРХОНА

пул ўтказиш йўли орқали БЗН ва БВ (1000x250, 800x250) маркали тегирмон вальцларини **СОТАДИ.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй. (Тельман боғининг қаршиси). Телефонлар: 37-23-74 (тел/факс), 67-77-41.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги 54-сонли «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республика Халқ банки бўлимларида «Индексация» ҳисобларини очиш 1996 йил 30 июнгача давом этишини яна бир бор эслатамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ.